



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Конимех -2021

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: : Конимех ТЙФУК га карашли автомобиль йулларига йул ётик хавфсизлик чизикларини чизиш ишлари

1.2. Танлов охирги қиймати – 315 000 000 (уч юз ун беш миллион) сум . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида 2021 31 декабрь га қадар

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Конимех ТЙФУК** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Конимех туман “Бирлик” МФЙ Нурафшон 46 уй
Эл.адрес: nav.konimeh@uzavtoyul.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Конимех ТЙФУК “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 15 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок,

холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;
- Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш ҳужжатлар руйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига

эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Конимех ТЙФУК директори

У.Рахматов

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

БУЮРТМАЧИ

КОНИМЕХ ТЙФУК

**Конимех ТЙФУК га қарашли автомобил йулларига йул
ётик хавфсизлик чизикларини чизиш ишлари**

Конимех - 2021 йил

№	Маълумотлар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Конимех ТЙФУК га карашли автомобиль йулларига йул ётик хавфсизлик чизикларини чизиш ишлари
2	Буюртмачи	Конимех ТЙФУК
3	Бажарувчи	-
4	Объект жойлашган манзил	Конимех тумани Нурафшон кучаси 46 уй
5	Иш бошланиши ва тугалланиши	2021 йил майдан 2021 йил декабр ойигача
6	Маблағ манзили	Конимех ТЙФУК
7	Алоҳида талаблар	Конимех ТЙФУК га карашли автомобиль йулларига йул ётик хавфсизлик чизикларини чизиш ишлари
8	Танлов шарти	<p>1) Корхона ишчилари уч йиллик иш тажрибасига ега булиши лозим.</p> <p>2) Танловда иштирок етадиган ташкилот махсус техникаларга ега булиши лозим</p> <p>3) Йул буёклари нур кайтарувчи булиши лозим</p> <p>4) Корхонани Устави, Гувоҳномаси, ИНН ва банк хакида маълумотлар бўлиши лозим</p> <p>5) Кафолат муддати давомида йул ётик чизикларини чизиш ишларида кайд етилган камчиликларни бартараф етиш буйича кафолат хати такдим етиши лозим.</p>
9	Тўловлар шарти	Тўловлар ойма ой счет фактурага асосан электрон шакилда амалга оширилиши шарт.

ШАРТНОМА № _____

Конимех туман.

2021 йил " ____ " _____

Конимех тумани йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан устав асосида ҳаракат қилувчи директор У.Рахматов бир томондан ва _____ (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан устав асосида ҳаракат қилувчи директор _____ иккинчи томондан,

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Бажарувчи" ўз таваккалчилигига асосланган ва ўзининг ҳамда Буюртмачининг эҳтиёт қисмларидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг топширигига асосан куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади: **Конимех ТЙФУК га карашли автомобиль йулларига йул ётик хавфсизлик чизикларини чизиш ишлари**

1.2. Буюртмачи Бажарувчига бажарган ишларига нисбатан ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида, Бажарувчи томонидан тақдим этилган счё-фактура ва далолатномага асосан қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси _____ сўмни ташкил этади.
2.2. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳо дастлабки бўлиб, сўнгги баҳо Бажарувчи тақдим этган счё-фактура ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3-бандида белгиланган тартибда қопланади.

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Шартнома имзолангандан сунг Буюртмачи Бажарувчининг ҳисоб рақамига бажарилиши лозим булган ишнинг 15 % миқдорини олдиндан ҳақ тулайди
3.2. Шартнома бўйича сўнгги ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан сўнг, қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда, 10 кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1. Бажарувчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларнинг календар режасида белгиланган муддатларда бажаради (1-илова).
4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 31 декабр 2021 йилгача

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:
5.1.1. ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачига техникаларни соз ҳолатда ишларни топшириш;
5.1.2. Буюртмачи бузилган техника ва машина механизмларини Бажарувчини таъмирлаш хонасига етказиб беради, нуксонлар кайдномаси тузилиб бутловчи эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ёки келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда таъмирлаш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;
5.1.3. ўз кучи ва воситалари ёрдами билан эҳтиёт қисмлар ва қурилмаларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча эҳтиёт қисмлар алмаштирилади
5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:
5.2.1. ишларнинг календар режасида белгиланган муддатда Бажарувчидан техникаларни соз ҳолда қабул қилиш
5.2.2. шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлайди;

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузган тақдирда, айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг 0,5% аммо 10% дан ортик булмаган миқдорда жарима тўлайди.

учун айбдор тараф иккинчи тарафга зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.
6.3. Жарима тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.
- 7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.
- 7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.
- 7.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз _____ ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.
- 8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий ҳисобланади.

9. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

- 9.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.
- 9.3. Буюртмачи куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
- Бажарувчи шартнома шартларини бузиши оқибатида назарда тутилган ишлар сифати пасайса.
- 9.4. Буюртмачи куйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
- Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра таъмирлаш ишлари Бажарувчи томонидан _____ дан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи таъмирлашни молиялаштириш имкониятини йўқотган бўлса.
- 9.5. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Бажарувчининг биргаликдаги келишувига мувофиқ таъмирлаш ишлари Буюртмачига топширилади ва у биргаликда келишилган ҳажмда бажарилган ишлар қийматини Бажарувчига тўлаши лозим.
- 9.6. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга _____ кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.
- 9.7. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

БАЖАРУВЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

Конимех ТЙФУК

Конимех т. Бирлик МФЙ Нурафшон - 46

Х/р: 20210000600548671001

МФО: 01064 ИНН: 200013904

Хамкорбанк банк Навоий ш.

ОКОНХ: 42110 **Тел/ф:** (0 436) 512-14-43

Директор:

У.Рахматов.